

Жаҳаннам аҳли



19:13 / 24.02.2018 5537

Ва куфр келтирганлар жаҳаннамга гуруҳ-гуруҳ қилиб ҳайдалди. Унга етиб келган чоғларида унинг эшиклари очилди ва унинг қўриқчилари уларга: «Сизларга ичингиздан Роббингизнинг оятларини тиловат қилиб берадиган, сизларни ушбу кунингиздаги рўбарў бўлишдан огоҳлантирадиган расуллар келмадимми?!» - дедилар. Улар: «Оре! Лекин азоб сўзи кофирлар устига ҳақ бўлгандир», - дедилар.

Ажойиб бир манзара. Ҳукм чиққанидан кейин кофирлар жамланиб, жаҳаннам томон ҳайдаб кетилдилар. Ҳамма ёқ жим-жит. Кофирлар жаҳаннамга етиб келган пайтда ҳеч қандай шовқин-суронсиз унинг эшиклари очилди. Ҳамма даҳшатда. Жаҳаннам нелигини ва у ерда нималарга дучор бўлишларини ҳам билдилар. Шунинг учун ҳам бошларини

эгиб, паришон ҳолда кетмоқдалар. Шунда бирдан, уларга жаҳаннамни қўриқлаш вазифасини адо этувчи фаришталар қуйидаги саволни берадилар:

«Сизларга ичингиздан Роббингизнинг оятларини тиловат қилиб берадиган, сизларни ушбу кунингиздаги рўбарў бўлишдан огоҳлантирадиган расуллар келмадими?!»

Эй шўри қуриганлар, нимага бу томон келяпсизлар?! Нима бўлди сизларга?! Нима, у дунёда сизларга ўзингиздан бўлган, оддий инсон пайғамбарлар келмадими?! Улар сизларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб бермадиларми?! Ахир пайғамбарлар сизни бундан огоҳлантирган бўлишлари керак-ку!!! Улар сизга бу ҳақдаги оятларни тиловат қилиб берган бўлишлари керак-ку!!!

Кофирлар нима деб ҳам жавоб қила олардилар?! Уларнинг айтадиган гаплари шу бўлди:

«Оре!»

Яъни «Ҳа, ўзимиздан бўлган пайғамбарлар бизга келган, улар бизга Роббимизнинг оятларини тиловат қилиб берган ва у Куннинг даҳшатидан огоҳлантирган эдилар», демоқчилар. Лекин тўлиқ айта олмайдилар. «Ҳа», деб қўйишга зўрға ярайдилар. Оритдан эса тан олиб:

«Лекин азоб сўзи кофирлар устига ҳақ бўлгандир», деб ўзларининг кофир эканликларини эътироф этадилар. Шунда уларга:

«Жаҳаннам эшикларидан унда мангу қолувчи бўлган ҳолингизда киринг!» - дейилди. Бас, мутакаббирларнинг турар жойи қандай ҳам ёмон!

Ҳалиги жаҳаннам қўриқчилари билан бўлган савол-жавобдан кейин кофирларга:

«Жаҳаннам эшикларидан унда мангу қолувчи бўлган ҳолингизда киринг!» - дейилди».

Айни чоғда, уларга жаҳаннамда абадий қолишлари ҳам айтиб қўйилди. Жаҳаннам бу дунёда иймонга киришдан бош тортиб, кофир бўлиб ўтган мутакаббирларга жой бўлди.

«Бас, мутакаббирларнинг турар жойи қандай ҳам ёмон!»

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Тафсири Ҳилол китобидан)